Лоихаи конуни зикргардида барои барраси ба кумитахои парлумон фиристода хохад шуд.

Дар шимоли Точикистон Федератсияи варзиши автомобил таъсис шуд

Дар шахри Хучанди вилояти Сугд, дар шимоли Точикистон барои аввалин бор Федератсияи варзиши автомобил таъсис шуд. Хадафи асосии таъсис ва фаъолияти ин Федератсия рушд ва маъруфият бахшидани варзиши автомобили дар Шимоли Точикистон, боло бурдани саломати ва дар мачмуъ варзиши автомобил унвон мешавад. Барои фаъолият дар Федератсия дар навбати аввал чавонон – кудакон ва навчавонон чалб хоханд шуд.

Дар шимоли Точикистон Федератсияи варзиши автомобил таъсис шуд
s017.radikal.ru

Ногузир аст, ки фарханги ронандагии чавонон дар роххои автомобилгард боло бардошта шавад. Дар холи хозир набуди фарханги волои ронандаги дар роххои кишвар боиси рух додани садамахои мутаадиди автомобили гардидааст.

Расмхои расомони точик дар Маскав ба намоиш гузошта мешавад

Намоишгохи байналмилалии расомони чавон аз 1 то 10 феврал дар пойтахти Русия баргузор мегардад. Дар ин бора раиси Иттифоки расомони Точикистон Фаррух Хочаев иттилоъ дод. Бино бар гуфтаи у, дар намоишгохи мазкур кори панч расоми навраси точик ба намоиш гузошта хохад шуд.

У бо изхори таассуф гуфт, имконоти моли ичоза надодааст, ки рассомони точик ба таври комил дар ин намоишгохи байналмилали ширкат варзанд. «Ба намоишгох як нафар рассоми модалер Мехточов, ки ба Маскав ду кори худро бо хамкории 5 нафар рассоми чавон сохтааст, хохад бурд», – изхор медорад Раиси рассомон.

Вай хамчунин гуфт, ки аъзоги дар Ассотсиатсияи иттифоки чамъиятии «Конфронси байналмилалии Иттифоки рассомон» имконият мидихад, ки доираи иштироки рассомони чавони точик дар намоишгохои байналхалки васеъ гардад.

Метрода йўл чипталари бекор қилинади

Транспорт қўмитаси метродаги йўл чиптасини бекор қилмоқда. Бекор қилинган «60 марталик» чиптадан кейин «15 кунга 25 марталик», «30 кунга 50 марталик» ва ойлик чипта ҳам бекор қилинади. Шаҳар ҳукуматининг фикрига кўра, «Подорожник» уларни тўлиқ алмаштириши керак: электрон ҳамёнда ишлатилмай қолган метрога киришлар куйиб кетмайди ва доимий равишда тўлдирилиб турилган электрон ҳамёнда чегирмалар системаси ишлайди.

«Подорожник»да тўланган йўл кира жетонга нисбатан бир рублга арзон бўлади. Агар 11 дан 20 гача тўланса, ҳар бири 25,5 рублга, 21 дан 30 гача тўланса, 23 рублга, 31 дан 40 гача 21,5 рубл, ва 41 дан 20 рублга тушади.

Ундан ташқари, қўмитада таъкидлашларича «Подорожник» фойдаланишда оддий ойлик йўл чиптасидан қулайдир. Қулайликлари: унинг ҳисобини интернет ёки қўл телефони орқали ҳам тўлдирса бўлади ва нафақат метрода, автобус ва трамвайда, ҳамда маршрут йўналишидаги таксида ва аквабусда ҳам фойдаланиш мумкин.

Транспортга оид яна бир хабар – март ойидан маршрут таксилари йўл ҳақлари ҳам ошади. Ҳукуматнинг декабрь ойи охирида қабул қилинган «Йўловчилар ташиш тарифлари ҳақида»ги қарорига биноан 2013-йилнинг охиригача ўзгармас нарх – 36 рубл деб белгиланди.

Ундан ташқари, чиптасиз йўловчига нисбатан жарима ҳам оширилди – эндиликда «қуён» бўлиб юриш 1000 рублга айланади, аввалари бу жарима атиги 100 рублни ташкил этар эти. Юк олиб ўтиш ҳам худди шундай. Эндиликда жаздан қочиш қийинлашади, чунки жамоат транпортидаги маъмурий қонунбузарлик тўғрисидаги протоколни назоратчи ҳам тузиши мумкин бўлади.

Петербургда янги жарималар белгиланди

Петербург Қонунчилик йиғини «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида»ги қонунга учинчи ўқишда ўзгартиришлар киритди. Губернатор ҳужжатни имзолаганда шаҳарда кечаси таққиллатиш ва мебелни суриш мумкин бўлмайди, петардани ишлатиш ва нотўғри аттракцион ўрнатиш арзонлашади.

Кечалари (яъни 23.00 дан 07.00 гача) баланд овозли телевизор, магнитофон ва овозни кучайтириш асбобларидан фойдаланганлик 500 дан 4000 рублгача жарималаниши мумкин. Аввалари бу жарима 2000 дан 5000 рублгача эди. Кечалари бақириш, ҳуштак чалиш, қўшиқ куйлаш ва мусиқа асбобларидан фойдаланиш таъқиқлари қаторига таққиллатиш ва мебел суриш ҳам киритилди. Петарда ёки ракетача учириш арзонлашди ва аввалари жарима 3000-5000 рубл бўлган бўлса, ҳозирда атиги 1000 дан 4000 рублгача бўлди. Қор кураш техникасининг овози учун жарима олиб ташланди, аввалари бу Жилкомсервисларга 10 000 дан 500 000 гача жарима тўлашга олиб келарди.

Итнинг нўхтасиз ва арқончасиз, ҳамда 14 ёшдан кичик ва маст одамлар томонидан сайр қилиниши янги қонунга кўра 1000 дан 5000 гача жарима тўлашга олиб келиши мумкин.

Йўлакларда, метрода, вокзалларда ва подъездларда савдо фаолияти билан шуғулланувчилар учун жарима энг ками 1000 рублдан, энг кўпи 5000 рублгача деб белгиланди. Ободончилик иншоотларини ноқонуний равишда ўрнатиш ва бузиш (бунга шаҳардаги барча нарса – бинолар, кўприклар, йўллардан тортиб болалар майдончалари, дўкончалар, эълонлар, кўчадаги ёритиш чироқлари ва қабристонларгача) учун 3000 дан 15 000 рублгача жарима тўланади.

Ўзбекистонда тезюрар туристлар поезди йўлга қўйилади.

Ўзбекистон темирйўлчилари 2013-йилда Буюк Ипак Йўли йўналишида тезюрар туристлар поездини ишга туширишни режалаштирган. Бу поезд махсус ишлаб чиқилган жадвал бўйича ҳаракатланади.

Буюк Ипак Йўли йўналишида тезюрар туристлар поезди
www.anons.uz

Поезднинг вагонлари «люкс» синфига оид бўлиб, купеда душ кабинаси ва телевизор мавжуд. Поезд Буюк Ипак Йўли йўналишида ҳаракатланади ва асосий тўхташ жойлари Тошкент, Самарқанд, Бойсун тумани, Бухоро ва Урганч бўлади. Ўз бағрига 60-70 йўловчини олган поезд, 10-15 кун давомида ҳаракатланади.

Ривожланиш учун Хитойдан маблағ

Ўзбекистондаги миллий алоқа оператори АЖ «Ўзбектелеком» модернизация ва тармоқни кенгайтириш мақсадида 2013-йилнинг биринчи ярмида Хитой Давлат тараққиёт банкининг 100 миллион доллар миқдоридаги кредит маблағини жалб этишни режалаштирган.

Хитой банки билан меморандум имзоланган, лойиҳаларни тайёрлаш жадвали ишлаб чиқилган, иккинчи чоракда шартномани имзолаб, молиялаштиришни бошлаш режалаштирилган. Маблағ умумий қиймати 107,6 миллион доллар бўлган учта лойиҳани амалга ошириш учун сарфланади.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида 2016-йилда алоқа оператори каналларининг халқаро йўналишдаги ўтказувчанлигини 10 баробар – секундига 100 Гбит, CDMA-450 тармоғининг амал қилиш ҳудудини 90%га кенгайтиради, кенгполосали фойдаланувчилар сонини олти баробар – республиканинг вилоятлар марказлари ҳисобига 600 минг абонентга етказишга имкон беради.

Дунё курашчилари Грециядa баҳслашди

Грециянинг Солоники шаҳрида кураш бўйича 2013-йилнинг илк йирик мусобақаси – IX халқаро «Ислом Каримов» турнири бўлиб ўтди. Халқаро кураш ассоциацияси, Европа кураш конфедерацияси ва Греция кураш Федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада ўттизта давлатдан юздан ортиқ курашчилар учта вазн тоифасида гиламга чиқди.

Уч ярим минг йил давомида миллий урф бўлиб келган кураш 1998-йилда Ислом Каримов ташаббуси билан халқаро спорт тури статусини олди. Бугунги кунда тез суратлар билан бутун дунёда ривожланаётган ўзбек кураши болалар ва қизларнинг жисмонан бақувват, маънан юқори, ҳалол ва жасур шахслар бўлишига хизмат қилади.

Халқаро кураш асосциациясининг хабар беришича, Олимпия ўйинлари ватани Грециядa бўлиб ўтган IX халқаро «Ислом Каримов» турнири ўткир ва муросасиз жангларга бой бўлган. Полвонлар орасида 66 килограмм вазн тоифасида ватандошимиз Жавлон Тоғаев финалда Грузиялик Нодар Цалугелашвили устидан ғалаба қозонди. Бу вазн тоифасида бронза медали Грузиялик Георгий Ткемаладзе ва Грециялик Мирман Илиадисга насиб этди.

Мутлоқ вазн тоифасида Болгариялик Иван Илиев финалда Грециялик Василиос Илиадисни мағлуб этди. Ўзбекистонлик Улуғбек Қўлдошев ва Грециялик Дионисиос Илиадис бронза медалларига лойиқ топилди.

Ўзбекистонда инглиз тили бўйича тажриба лойиҳаси амалга оширилади

Тошкентга иш юзасидан «Edusoft» таълим компаниясининг директор ўринбосари Роман Лукьянец ташриф буюрди. У Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 2-сонли академик лицейида инглиз тилини ўқитиш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги таклифига биноан келди. Ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий қилиш маркази, Давлат тест маркази вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, «Edusoft» дастури бутун дунёда таълим, давлат ва корпоратив соҳада инновацион ечимлар ва ишлашни амалга оширишда 20 йиллик тажрибага эга, – деди компания вакили. Таълим дастури ўзига 10 та турли хил қийинликлар даражаси, овоз таниш технологиясини қамраб олган. Махсус ишлаб чиқилган портал ўзига мулоқот учун форум, ҳар ойда янгиланадиган ўқув материали (иборалар, мақолалар), онлайн мулоқот, давомий равишда янгиланадиган ВВС таълим бўлимидан иборат.

Тажриба лойиҳасини амалга татбиқ этиш февраль ойига белгиланган.

Қирғизистонда программистлар учун қулай шароитлар яратилади

Қирғизистонда «Юқори технологиялар парки» пайдо бўлди. Бу лойиҳа доирасида Қирғизистонда дастур яратувчилари учун имтиёзли шароитлар яратилади. Ҳозирда ҳуқуқий асос ишлаб чиқилмоқда ва аниқ режа тузилмоқда. Ундан ташқари резидентларни саралаш билан шуғулланадиган экспертлар гуруҳи ташкиллаштирилмоқда. Улар дастур яратиш билан шуғулланадиган жисмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкин.

ЮТП ташкил этилганидан бошлаб унинг резидентлари 15 йил давомида солиқлардан озод этилади ва суғурта бадалларидан чегирмаларга эга бўлади. Даромад солиғи атиги 5%, суғурта бадаллари эса ўртача ойликнинг 12%ини ташкил этади.

Белбоғли «Алыш» курашчилари 2014-йилги осиё ўйинларида иштирок этади

Қирғизистоннинг белбоғли миллий кураши «Алыш» Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида бўлиб ўтадиган 2014-йилги Осиё ўйинларида намунали чиқишлар дастурига киритилди. Ҳозирда уни Қозонда 2013-йилда бўлиб ўтадиган Бутунжаҳон Универсиадаси дастурига киритиш имконияти кўриб чиқилмоқда.

Маълумот ўрнида: дунёда миллий ва ҳудудий белгиларга эга бўлган 200 дан ортиқ кураш турлари мавжуд. «Алыш» шундай кураш турига киради. Ҳозирда белбоғдан фойдаланган ҳолда кураш тушиш дунёнинг 70 дан ортиқ давлатларида мавжуд, шу жумладан Қирғизистонда ҳам. «Алыш» белбоғли кураш халқаро федерацияси GAIF, TAFISA, Европа қўмитаси, Ислом ўйинлари каби бир қатор халқаро спорт ташкилотларига аъзо. Ундан ташқари у WADA допингга қарши назорат ассоциациясининг расмий аъзосидир.

Қирғизистонда ўзбек тили имтиҳондан чиқариб ташланди.

2013 – йилда Қирғизистонда мактаб битирувчилари умумреспублика тестини фақат давлат ва расмий тилда, яъни қирғиз ва рус тилларида топширади. ҚР Фан ва таълим вазирлиги ўзбек тилида тест топширишни бекор қилди. Бу қарор ўзбек тилида гапирувчи битирувчиларнинг сони камайгани сабабли қабул қилинган. Йилдан-йилга улар камайиб бормоқда. Ўтган йили 55,5 минг битирувчидан атиги 2 минг нафари ўзбек тилида имтиҳон ёзган.

Бу бекор қилиниш ўқувчиларнинг битирув синфларида таълимни давлат ва расмий тилда олишни ҳоҳлаганликлари сабабли келиб чиққан. Ахир мамлакатнинг ўрта махсус ёки олий билим юртларида таълим қирғиз ва рус тилларида олиб борилади. ҚР Фан ва таълим вазирлигида таъкидлашларича, мактаб ўқувчисига ўз она тилида тест ечиш осон бўлса ҳам, уни олий ўқув юртига киришдаги бошқа тилда бўладиган имтиҳон ва таълим кутиб туради. Шунинг учун улар бошқа талабаларга нисбатан кўникишда кўпроқ муаммоларга дуч келади.

Яна УРТнинг бекор қилиниши билан битирувчилар кейинги босқичларда қийналмасликлари учун ўзбек мактабларида рус ва қирғиз тилини ўқитишни кучайтириш кераклиги ҳақида ҳам гап бормоқда. Айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда Қирғизистонда ўзбек тилида таълим олиб бориладиган 226 та мактаб мавжуд. Улардан 91 таси фақат ўзбек тилида ва 135 таси аралаш ўзбек-қирғиз-рус тилларида таълим олиб боради. Умумий ҳисобда бу мактабларда 140 минг ўқувчи таълим олади.

Қирғизистон матбуоти энг эркин

Қирғизистон «Чегара билмас мухбирлар» халқаро ташкилотининг сайтида эълон қилинган «сўз эркинлиги» рўйҳатининг матбуот эркинлиги индекси рейтингида 106-ўринни эгаллади. Бу йил ҚР 2 поғонага кўтарилди. Аввал республика 108-ўринда эди. Фикр эркинлиги бўйича қирғиз матбуоти Марказий Осиёдаги барча давлатлардан ўзиб кетган. Тожикистон бир поғона йўқотиш билан 123-ўринни эгаллаган. Россия 148-ўринга тушиб қолган. Белоруссия ўз ўрнини 11 поғонага мустаҳкамлаб, 157-ўринни эгаллаган. Қозоғистон 160-ўринда. Ўзбекистон 7 поғона пастга тушган ҳолда 164-ўринда.

Бу ташкилот ўз рейтингини ўнинчи марта эълон қилмоқда. Бу йил эркинлик индексида 179 давлат иштирок этди. Энг эркин деб Финляндия ОАВлари топилган. Кейин Нидерландия, Норвегия ва Люксенбург. «Сўз эркинлиги»нинг энг қийин аҳволи 178 ва 179 ўринлар билан Шимолий Корея ва Эритреяда деб топилган.

Ўзбекистон Президенти 2013-йилнинг вазифаларини белгилаб берди

Ўзбекистонда Вазирлар маҳкамаси мажлисининг «2012-йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши натижалари ва 2013-йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги» (18 январь 2013 йилдаги) қарори эълон қилинди. Президент Ислом Каримов томонидан имзоланган ҳужжатда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича аниқ вазифалар, муддати ва уларнинг бажарилишига жавобгарлар аниқлаб берилган.

Тармоққа оид ва ҳудудий ривожланиш:

- Вазирлар Маҳкамаси 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатсин, йилнинг ҳар чорагида иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва соҳаларида ишларнинг ҳолати тўғрисида вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб борсин.

- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов, Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда жорий йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда 2012-2016 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қабул қилинган дастурларини ҳудудларни комплекс ривожлантиришга, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб устувор йўналишларни белгилашга, саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини, қурилиш ва қурилиш индустриясини, ахборот-коммуникация технологияларини ва хизматлар соҳасини жадал ўстиришга ҳамда шу асосда ёшларнинг бандлигини таъминлашга, ҳудуднинг молиявий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлашига эришишга ва субвенцияларни камайтиришга алоҳида эътибор берган ҳолда киритилган тузатишларни танқидий қайта кўриб чиқсин.

- Иқтисодиёт вазирлиги тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг мустаҳкам ўзаро боғлиқлигини, ҳудудларнинг ўзига хос шароитларини, ҳудудларни комплекс ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришни таъминлаш юзасидан вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ишларни кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсин.

Инвестиция ва модернизациялаш:

- Вазирлар Маҳкамаси комплекслари Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, хўжалик бирлашмалари – масъул ижрочилар билан биргаликда икки ҳафта муддатда 2013 йилги иқтисодий дастурни бажаришда муҳим аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва лойиҳаларни амалга оширишнинг ҳолатини танқидий ўрганиб чиқсинлар ва ишлар жадвалларига тузатишлар киритган ҳолда уларни амалга оширишни жадаллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И.Ибрагимовга икки ҳафта муддатда буғ-газ электр станциялари қуриш лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланиш, электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва узатишда технологик йўқотишларни қисқартириш юзасидан комплекс кўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

Экспорт ва ишбилармонлик муҳити:

Вазирлар Маҳкамаси зиммасига:

- Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигини жалб этган ҳолда манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг экспортни қўллаб-қувватлаш ва субсидиялаш тўғрисидаги Фармони лойиҳасини тайёрласин ва киритсин, унда экспортни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш жамғармасини ташкил этишни назарда тутсин.

- хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар, идоралар ва институтлар билан биргаликда ҳар чоракда жаҳон амалиётида қабул қилинган мезонларга мувофиқ мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг ҳолатини баҳолаш якунларини чиқарсинлар ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, ортиқча чеклашларни, бюрократик тўсиқларни ва бошқа тўғаноқларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрсинлар.

Иқтисодий зоналар:

- Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекэнерго», «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзкомммунхизмат» агентлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида 2013 йилда ишлаб чиқариш объектларига ўтказиладиган транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилишни жадаллаштириш жадвалларини икки ҳафта муддатда тасдиқласин.

- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилнинг I чорагида, Жиззах вилояти ва унга чегарадош ҳудудларнинг ресурс базасидан самарали фойдаланиш, саноат ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун инвестицияларни ҳамда илғор инновация технологияларини жалб этиш мақсадида эркин индустриал зона ташкил этиш бўйича барча тайёргарлик тадбирларини ва Хитой Халқ Республикасининг ваколатли органлари билан таъсис ҳужжатларини келишишни 2013 йилнинг I чорагида тугалласин.

Йўл-транспорт инфраструктураси:

- Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари иштирокида «2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги дастурда назарда тутилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳар чоракда кўриб чиқилишини таъминласин, уларнинг бажарилишини жадаллаштиришга тўсқинлик қилаётган масалаларни ҳал этиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар кўрсин.

- «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси, Республика йўл жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантиришнинг 2013 йилга мўлжалланган параметрларини сўзсиз бажариш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўрсинлар.

- «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси темир йўл коммуникациялари ва транспортни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳалари бажарилишини икки ҳафта муддатда танқидий баҳоласин ҳамда тармоқ жадвалларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаган ҳолда уларга аниқлаштиришлар киритсин, бунда 2013 йилда Мароканд-Қарши ва Қарши-Термиз темир йўли участкасини электрлаштириш, 240 километр узунликдаги темир йўлларни реабилитация қилиш ишларини ўз вақтида амалга оширишга, шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг қуйиш-механика заводини модернизациялашнинг тугалланишига алоҳида эътибор қаратсин.

Ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари:

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига зиммасига:

- халқаро ва тармоқ стандартларини, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларини ахборотлаштириш даражасини баҳолашнинг мезонлари ва индикаторлари тизимини амалиётга жорий этиш ҳамда улар бўйича тизимли мониторинг олиб бориш;

- «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш Концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг электрон шаклларини жорий этиш;

- коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, ахборот узатиш тезлигини ошириш, 2 минг километрдан ортиқ толали – оптик тармоқлар қурилишини тугаллаш ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан юқори тезликда кенг полосали фойдаланишни таъминлаш, Интернет тармоғида турли йўналишдаги замонавий маҳаллий веб-ресурсларни яратиш;

- 2013-2017 йиллар даврида Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг Комплекс дастури лойиҳасини тасдиқлаш учун 2013 йил 1 апрелгача Вазирлар Маҳкамасига киритиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрсин.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўмитани ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисидаги Фармони ва қарорининг ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантиришнинг қабул қилинган дастурлари бажарилишини ҳар чоракда кўриб чиқсин.

Уй-жой қурилиши соҳаси:

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси, «Даврхитектқурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Қишлоқ қурилиш банк» бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда жорий йилнинг февраль ойи охиригача қишлоқ жойлардаги якка тартибда уй-жой қуриш мавзеларида намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этиш бўйича молиялаштириш ва қурилишнинг бошланишини таъминласинлар.

- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И.Закиров, «Даврхитектқурилиш» қўмитаси, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда жорий йилнинг 1 майигача бўлган муддатда 2013-2015 йилларда қурилиш индустриясини ривожлантириш комплекс дастури лойиҳасини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар, унда бинокорлик ва пардозлаш материалларининг замонавий турларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, пудрат ташкилотларининг техник жиҳозланганлигини оширишни назарда тутсинлар.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш:

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда корхоналар раҳбарлари тармоқлар ва ҳудудлар бўйича 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг Олий Мажлис томонидан маъқулланган асосий йўналишлари ва параметрларини бажариш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирларни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар.

- Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда «Обод турмуш йили» Давлат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилишини тугалласин ва киритсин, унда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари нормаларини янада такомиллаштириш, аҳолининг заиф қатламлари ва кам таъминланган оилаларни давлат томонидан аниқ тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш, энг аввало, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт шарт-шароитлари ва сифатини яхшилаш, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт тизими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолига давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутсин.

Президент мазкур протокол қарорининг бажарилишини назорат қилишни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклади.

Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўрсатиш Фондига зудлик билан рус тили ўқитувчилари талаб этилади.

Талаблар:
- Ўзбекистон Республикаси ёки МДҲ давлатлари фуқароси,
- рус тилини яхши билиш,
- ўқитиш ва таълим соҳасида тажриба (5-йилдан юқори),
- масъулиятлилик, киришимли.

Иш жадвали ва маош алоҳида келишилади. Агар сиз бошқа жойда ишласангиз, иш вақтини келишган ҳолда, меҳнат қилишингиз мумкин.

Бундан ташқари, меҳнат муҳожирларини рус тилини ўрганиш бўйича бепул ўқув курсларига таклиф этамиз. Машғулотларда сиз рус тилида тўғри сўзлашишни, ўқишни ва ёзишни ўрганиб оласиз. Шу билан биргаликда рус маданияти анъаналари ва Россия тарихи билан танишиб чиқасиз.

Мурожаат учун телефонлар:
309-73-06, 8-952-224-30-19.
Махмут Убайдуллаевич сўралсин.

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи

Ўрта Осиёлик шахсларга ишлаб топган маблағларини Ватанга юборишдан олдин қандай сақлаш ва кўпайтириш мумкинлигини ўргатади. Маблағлар 18 % га ошиши мумкин.

Ҳурматли муштарий!

Сиз Санкт-Петербург шаҳрига ўз оилангиз учун пул ишлаб топиш мақсадида келасиз. Бунинг учун сиз кеча-ю – кундуз машаққатли меҳнат қиласиз, баъзида адолатсизликдан аламингиз келади, айниқса, ваъда қилинган иш ҳақи тўланмаганида. Бироқ, сиз бу қийинчиликларни барчасини енгиб ўтишга тайёр бўласиз, чунки ватанда яқинларингиз молиявий ёрдамга кўз тикиб ўтиришибди. Сиз – уларнинг ягона умиди ва таянчисиз!

Баъзида ўзингизни ҳалол меҳнат билан топган иш ҳақингизни олганингизда, дарҳол уйга юборишга шошиласиз. Чунки сизда пулларингизни сақлаш учун ишончли жойни ўзи йўқда. Уларни ноинсоф одамлар ўғирлаб кетиши мумкин. Ўзингиз билан олиб юрсангиз, йўқотиб қўйиш хавфи мавжуд. Унда нима қилиш керак?

Биз бу муаммони ечимини топдик. **Айнан сиз учун «Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи фаолият юритмоқда.** Кооперативга қўшилинг, ҳоҳлаган қийматдаги пулингизни қўйиб (500 рублдан ортиқ), уйга юборишдан олдин кўпайтириб олинг. Қайси давлатни фуқароси эканлигингизни қизиғи йўқ. Энг муҳими, бу ерда сизга ёрдам бераётганларидан жуда мамнунлар.

Бизда фойдали фоизлар-18% йилига. Бу дегани, кооперативга қўйган пулингизга, уни миқдорига нисбатан ҳар ойда 1,5 % қўшилиб бораверади. Бу жуда даромадлидир. Агарда сиз Россияга, бир йил ва ундан камроқ муддатга келган бўлсангиз, унда сиз Даромад дастури доирасида уч ой ва ундан кўпроқ муддатга шартнома тузсангиз бўлади. Уч ой муддатда омонатингизга 4,5% қўшимча даромад қўшилади. Олти ойда – 9%, тўққиз ойда-13,5% қўйган омонатингиз устига қўшилаверади. Муддат қанча кўп бўлса-даромад ҳам шунча кўп бўлади.

«Шаҳар жамғарма маркази» кооперативи аъзосига айланинг. Биз эса, пулларингизни Ватанга юборишдан аввал, кўпайтиришга ёрдам берамиз: сизнинг ҳар 100 рубл пулингизга ойига 1,5 рубл қўшиб борамиз. Кўпроқ пул тўпланганидан сўнг, ҳоҳлаган қийматдаги пулни ечиб олиб, ватанга қадрдонларингизга юборишингиз мумкин. Агарда бу пул камлик қиладиган бўлса, кооператив сизга қарз ҳам бериши мумкин. Ҳа айтганча, агарда сиз шаҳарда бўлмасангиз ёки жуда банд бўлсангиз, қариндошингиз сизнинг ўрнингизга келиши мумкин. Фақат унга ишончнома ёзиб беришни эсдан чиқарманг!

Демак, энг муҳим савол: Ишлаб топган маблағни «Шаҳар жамғарма маркази» КИК да қандай сақлаш мумкин?

Барчаси оддий. Ташкилотимиз офисига ўз паспортингиз билан ташриф буюринг, кооператив аъзолигига қўшилинг ва 500 рублдан ортиқ ҳоҳлаган қийматдаги пулни қўйинг ва кўпайтириб олинг. Уйга кетишдан олдин барчасини ечиб олишингиз мумкин ёки жўнатиб юборишингиз.

Фоиз тўловлари-18% йилига!

Маълумот учун телефон: (812) 309-56-63
Ёхуд қуйидаги манзилга келинг: Санкт-Петербург ш., Василеостровский 10-линия, 15-б уй. «Василеостровская» метро бекати.
Иш вақти: соат 9:00 дан 18:00 гача (душанба-жума).
«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи.
Биз сизларни кутиб қоламиз, азиз муштарийлар!

ГОРОДСКОЙ ЦЕНТР СБЕРЕЖЕНИЙ

Россиянинг муҳожирлик хабарлари

Қонун ва интизом

Ҳар янги йилда яхши нималарнидир кутамиз, ўзимиз ҳам яхши бўламиз ва атрофимизда нималардир яхши томонга ўзгаради деб ишонамиз. Мана, ой ҳам ўтди, қишда, атроф қорга бурканиб ётганда ният қилинган орзулар ҳам хиралашади ва оддий ҳаёт умидларимизни пуч қилади. Афсуски, ҳудудлардан келаётган бадарга қилинган ва қонунбузар муҳожирлар ҳақидаги янгиликларнинг сони камаймаяпти. Лекин кириб келган янги йил олдингилардан яхши бўлиши учун ҳар ким ўз ҳаракатларига жавобгар бўлиши керак. Ҳурматли мухлислар, муҳожирлик рукнида келтирилаётган янгиликлар шунчаки ибрат бўлиб қолсин ва ҳаётда бошқа такрорланмасин.

Бошқирдистондан 336 ноқонуний муҳожир

2013-йилнинг фақатгина биринчи ойида Бошқирдистон суд ижро хизмати ходимлари мамлакатда бўлиш қоидаларини бузган 336 та ноқонуний муҳожирга нисбатан бадарға қилиш бўйича қўлланилган суд қарорини амалга оширишди. Бадарға қилинганларнинг кўпчилигида Россия ҳудудида бўлиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар бўлмаган ва белгиланган вақт тугаши билан чиқиб кетишдан бош тортган. Шунинг учун улар маъмурий бадарға қилиниш шаклидаги маъмурий жавобгарликка тортилган. Суд қарорини амалга ошириш мақсадида суд ижрочилари чет эл фуқароларини Россия чегарасигача кузатиб қўяди ва чегара хизмати ходимларига топширади.

Кўпгина ҳолларда уларни ўз ватанларига мажбурий жўнатиш иложсизлик сабабли келиб чиқади, чунки ноқонуний муҳожирлар Россия ҳудудида бўлиш қоидаларини назар-писанд қилмай, уни рад этади.

Муассасанинг маълумотларига кўра, мамлакат чегараларидан кўп ҳолларда Тожикистон, Ўзбекистон, Озарбайжон, Арманистон ва Россия билан чегарадош бир қатор давлатларнинг фуқаролари бадарға қилинади.

2013-йил январда бадарға қилинганлар орасида Қирғизистон, Туркманистон, Белоруссия, Украина, Молдова, Вьетнам ва ҳамда Нигерия ва Сенегал фуқаролари ҳам бор эди.

«Янги Москва»даги рейд

Полиция ходимлари Троицкий ва Новомосковский округлари ҳудудида «Ноқонуний Муҳожир» тезкор-профилактик тадбирини ўтказди. Рейд давомида автомобиллар тўхташ жойлари текширилди. Натижада тўхташ жойида қонунни бузган ҳолда турган автобуслар аниқланган. Полиция ходимларининг яна аниқлашича, тўхтаб туриш жойи ҳудудида Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаларидан келган 40 дан ортиқ Муҳожир ноқонуний равишда ишлаган. Уларнинг кўпчилиги РФ ҳудудида миграцион қонунчиликни бузган ҳолда бўлиб турганликлари ҳам аниқланган.

Ундан ташқари автомобиллар тўхтаб туриш жойи яқинидаги бинолар текширилганда, полиция ходимлари 20 дона компьютер ўрнатилган ноқонуний лотерея клубини аниқлади. Тадбир натижасида ноқонуний муассасанинг фаолиятига нуқта қўйилди.

Тольяттида ноқонуний Муҳожирлар

Тольяттида 28-январдан бошлаб «Ноқонуний Муҳожир» тезкор-профилактика тадбири бўлиб ўтмоқда. Тадбирни ўтказишдан мақсад ноқонуний Муҳожирлар каналларини, қалбаки паспортлардан, миграцион карталар, ишга рухсат бериш ва ҳужжатлардан фойдаланиш ҳолатлари аниқлаш ва олдини олишдир.

29-январь куни тадбир доирасида полиция ходимлари томонидан шаҳарда чет элликларнинг ноқонуний яшаш жойларини аниқлаш бўйича рейд ўтказилди. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг яна бир текшириш манзили Автозаводский райони, Офицерский кўчасидаги гараж кооперативи бўлди.

Гаражга унинг хўжайини билан кирган ходимлар яшаш учун жиҳозланган хонани аниқлашди. Катта хона бир-бирига тираб қўйилган ва натижада катта бир ётоқни ташкил этган кроватлардан иборат эди. Бу ерда 10 киши ётади. Хонада телевизор билан плита учун газ баллони бор. Ётоқларга ёғли иситиш асбоби ёнғин хавфини келтириб чиқариши мумкин даражада тақаб қўйилган. Битта алоҳида кичкина хона ошхона вазифасини бажаради. Эски стол, ғишлардан тахланган стул. Ён томонда яна битта кичкинароқ «ётоқхона» жойлашган. Бу ерда болалар кийимлари турган.

У ерда қолган Муҳожирнинг айтишича, унинг келганига ўн кун бўлган, ҳозирча иш топмаган. Лекин акаси арзон яшаш жойи билан таъминлаган. Ҳозир у буерда яшамоқда. Яшовчиларнинг барчаси Центральний районидаги «резинка квартира»ларга рўйхатга қўйилган.

Воронеждан бадарға

Воронеж суд ижрочилари бу йилда биринчи марта РФ ҳудудида бўлиш қонунини бузган Муҳожирларни ватанларига бадарға қилди. Уч Муҳожирнинг барчаси РФ ҳудудида ноқонуний равишда бўлишган. Қонунбузарлар суд ижрочилари томонидан «Домодедово» чегара назорати пунктигача етказилган ва улар Чегара хизмати ходимларига топширилган.

Ёнғин

Москвада ишчиларнинг ўлимига сабаб бўлган ёнғин бўйича ноқонуний миграцияни ташкил этиш бўйича жиноий иш кўзғатилди. Москванинг жанубий-ғарбидаги бинолардан бирида бўлган, Ўзбекистон ва Тожикистонлик ўнга яқин ишчиларнинг вафотига олиб келган ёнғин бўйича полиция ноқонуний миграция ҳақида иш кўзғади.

Фожеа Херсонский кўчасида жойлашган «Газойл Сити» яшаш комплекси биноларининг ер ости автомобиллар тўхтаб туриш жойида содир бўлган. Ёнғинда полиция ва ФВВ маълумотига кўра тўққиз киши, Соғлиқни сақлаш департаментининг маълумотига кўра ўн киши вафот этган. Уларнинг барчаси собиқ совет республикаларидан келган ишчилар бўлган. Ёнғиннинг асосий сабаби – рухсат этилмаган газ ускунасидан фойдаланиш. Хавфсизлик талабларини бузганлик учун жиноий иши очилди, бинога хизмат кўрсатувчи бошқарув компаниясининг директори ҳибсга олинган.

Ҳаваскор ошпазнинг хотира дафтаридан

Биз сиз билан лаззат дунёсига саёҳат уюштирмаганимизга ва бирон овқат пиширмаганимизга анча бўлди. Дарровгина бу ишимизни тўғирлаймизда, сизнинг диққатингизга қишда тўқ ва иссиқ тутувчи иккита мазали таомни диққатингизга ҳавола этамиз. Бунда бизга яна Рифат Ирмуҳамедов ёрдам беради.

Яхлит гўштдан манти

Манти – Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларининг севимли таомларидан биридир. Ундан ташқари бу таом бошқа миллатлар ошхоналарида ҳам фарқли талқин ва тайёрлаш усулида тарқалган. Турли хил қийма таомни ҳар хил таъбга эга овқат шинавандаларини, ҳаттоки вегетарианларни ҳам таъбига мослаштиради. Улар учун қайланинг картошкадан, карамдан, қовоқ ва бошқа сабзавотлардан, ҳаттоки мош, нўҳот, нутдан ҳам тайёрланиши мавжуд.

Шундай қилиб, биз бугун гўшт ҳудди кабобдагига ўхшаб 10-15 граммли бўлакларга бўлинган қиймали манти тайёрлаймиз. Мантининг бу тури учун қўйнинг сон гўшти ва ёғлилик даражасига кўра думба керак бўлади. Тайёрлаш усулида гўшт билан думба 1 га 1 пропорцияда олинсин дейилган, лекин думбани озайтириб, 600 грамм гўштга 200 грамм думба олсак ҳам бўлади. Гўштни ювиб ташлаб, ўртача кубик шаклида, думбани эса юқа квадрат шаклида кесамиз.

2-3 бош пиёзни тўғраймиз, майдалаб кесиш мумкин ёки гўшт қиймалагичдан ўтказиш мумкин. Пиёзга таъбга кўра туз, зира, кориандр, қора майдаланган мурч, ҳамда узум сиркаси қўшиш мумкин. Пиёзнинг сувини икки қўлингиз билан сиқиб, сувини эмалланган идишга солинган гўшт ва думбага сепасиз. Ҳаммасини аралаштириб, устини тарелка билан ёпасиз ва маринадлашга қўйилади. Қўй гўштини маринадлаш вақти 2-3 соат, бошқа гўшт турлари учун бу фарқланиши мумкин.

Гўшт маринадлашга қўйилганидан 2 соатдан кейин хамирни тайёрлашни бошласа ҳам бўлаверади. Иккита тухум олинади ва чақилган тухум идишнинг қанча ҳажмини эгалласа, шунча иссиқ сув қўшилади. Кейин чой қошиқда туз ва аста секинлик билан ун қўшилади хамир қорилади. Кейин хамир юмалоқланади ва устига салфетка ёпилиб, 30-40 дақиқа тиндирилади.

Энди хамир юпқа шаклда ёйилади. Ёйилган хамир 7х7 см шаклида квадратларга бўлинади. Ҳар квадратга 1 бўлак гўшт, устига думбани соламиз ва хамирнинг атрофларини ёпиштириб чиқамиз. Унинг шакли исталган ҳолатда бўлиши мумкин.

Мантилар тугилиб бўлинганда, манти қасқонда сув қайнаётган бўлиши керак. Мантини ўсимлик ёғи суркалган листга терилади ва ўрта оловда 1 соат давомида туради. Тайёр таом қайноқ ҳолатга дастурхонга тортилади. Алоҳида қатиқ ёки сметана ҳам қўйилади.

«Халқлар дўстлиги» инернационал палови

Бу ошни керакли масалликлар бор бўлган исталган мамлакатда тайёрлаш мумкин, бунда электрли ва индукцион плиталардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Масаллиқ:
- 110-120 мл зайтун ёғи,
- 400 гр гўшт,
- 2 бош пиёз,
- 400 гр сабзи,
- 500 гр гуруч,
- Таъбга кўра туз ва зираворлар.

Ошнинг бу тури ивитилган гуручдан фойдаланиб тайёрланади. Гўшт салгина қовурилади, сабзи умуман қовурилмайди.

Маҳоратли одам гуручнинг турини билган ҳолда исталган гуручдан фойдаланиши мумкин. Навли гуручдан фойдаланганимизда гуручни тозалаймиз ва ошни тайёрлашни бошлашдан 2 соат аввал сув тиниқлашгунча ювамиз ва иссиқ (80-85 ºС), тузли сувга солиб, увитамиз. Қозонга солишдан олдин гуруч оппоқ ва шишиб чиққан бўлади.

Гўштни ўртача бўлакларга бўламиз, пиёзни халқа, ярим халқа, сабзини сомонча шаклида тўғраймиз.

Қозонни ўртача оловда қизитамиз, бир озгина ёғ қуямиз. Ёғни салгина тутун чиққанича қиздирамиз. Гўштни солиб, уни қовурамиз. Кейин пиёзни ташлаймиз ва ўрта оловда вақти-вақти билан қовуриб турамиз. Гўшт ва пиёзнинг суви чиққанидан кейин сабзини соламиз.

Аралаштирмасдан сув қуямиз. Сув қайнаб чиққанидан кейин, оловни пасайтирамиз, таъбга кўра туз ва зираворларни қўшамиз. Зирвак суст оловда 50-60 дақиқа қайнайди. Зирвак олтин рангга кирганидан сўнг унинг устига гуруч солинади.

Сув буғланиб чиқиб кетганидан кейин гуруч тайёр бўлади, уни тоғ шаклида йиғамиз, бунда уни қаттиқ босмаймиз. Қозоннинг қопқоғини ёпамиз ва оловни энг паст даражага қўямиз. 20-25 дақиқа давомида димлаймиз ва ош тайёр!

Ёқимли иштаҳа!

За точность информации в рекламных объявлениях ответственность несет рекламодатель. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас

«Туран», первая практическая газета для выходцев из Средней Азии
Учредитель: Игорь Белоусов
Главный редактор: Махмут Маматмуминов
Выпускающий редактор: Дина Шакенова
Журналисты: Марина Мельник, Анна Демидова, Ксения Сомова, Антон Грушин
Дизайнер-верстальщик: Виктор Смирнов
Переводчик с русского на узбекский: Мансурбек Мирзавалиев

Переводчик с русского на таджикский: Якуб Халимов
Адрес редакции и издателя: 192012, пр.Обуховской обороны, 120, литер 3, офис 419, Издательский дом «Сорока»,
Ст. м. «Пролетарская».
Телефон: (812) 309-46-06, E-mail: info@turangazeta.ru
Тираж газеты: 15 000 экземпляров
Время подписания в печать: по графику – 07.02.2013, фактическое – 07.02.2013

Отпечатано в типографии ОАО «Первая Образцовая типография, филиал «Санкт-Петербургский газетный комплекс» 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ № 1222
Газета зарегистрирована в Управлении Федеральной службы по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций по СПб и ЛО, ПИ № ТУ 78-00840.
Газета распространяется бесплатно.

«Турон», Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий газета
Муассис: Белоусов И.Н.
Бош муҳаррир: Махмут Маматмўминов
Чоп этувчи муҳаррир: Дина Шакенова
Дизайнер-ҳарф терувчи: Виктор Смирнов
Рус тилидан ўзбек тилига таржимон: Мансурбек Мирзавалиев

Рус тилидан тожик тилига таржимон: Якуб Халимов
Таҳририят манзили: 192012, 192012, пр. Обуховской обороны, 120, литер 3, офис 419, «Сорока» нашриёт уйи,
«Пролетарская» метро бекати.
Телефон: (812) 309-46-06, E-mail: info@turangazeta.ru
Газета тиражи: 15 000 нусхада.

ОАЖ «Первая Образцовая типография, «Санкт-Петербургский газетный комплекс» типографияси филиалида босилди. 198216, Ленинский пр. 139. Буюртма № 1222. Газета СПБ ва ЛО бўйича алоқа, ахборот технологиялари ва оммавий коммуникациялар назорати Федерал хизмати Бошқармасида рўйхатдан ўтган.
ПИ № ТУ 78-00840. Газета бепул тарқатилади.
Нашрга топшириш вақти: жадвал бўйича – 07.02.2013, ҳақиқий вақти – 07.02.2013